



# Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

## ШАҲАР МАНЗАРАСИ

Маҳаллий Советларнинг қишлоқларни ободонлаштириш, колхоз-совхоз посёлкаларини бўёб эшитиш соҳасидаги тажрибаларини кенгайтириш учун етарли имкониятлар бор. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика касабасозлари Совети билан биргаликда шу ҳақда қарор қабул қилди. Колхоз ҳамда совхозлардаги энг яхши қурилган посёлкаларнинг республика кўрик-конкурсини ўтказиш мувофиқ деб тошди. Бу масалани таъбир билан кўрик-конкурсни ўтказиш Ўзбекистон ССР Госстрой, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, «Узколхозстрой», республика Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси, республика комсомоли Марказий Комитети ва Ўзбекистон архитекторлар союзига юқлади.

Кўрик-конкурс икки босқичда ўтказилади. Унинг биринчи босқичи Совет ҳўкимияти ташкил топганлигининг 55 йиллиги арафасида яқунлади. Иккинчи босқич 1973—1974 йилларда ўтказилади ва Ўзбекистоннинг 50 йиллиги муносабати билан яқунлади.

Юқорида таъкидланган ташкилотларга энг яхши қурилган ва ободонлаштирилган колхоз-совхоз посёлкалари республика кўрик-конкурс шартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди. Кўрик-конкурсни ўтказувчи жури состави ҳам тасдиқланади. Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси кўрик-конкурснинг ҳар бир босқичи фойдаларини мукофотлаш учун 75 диплом ажратади. Биринчи даражали даражалар 15 та, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар 30 та бўлади.

## ҲОСИЛДОРЛИК ВИТАМИНИ

Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари янги йил ҳўсини тарадудини бошлаб юордилар. Бу йил яна ҳам мўдроқ ҳўсил етиштириш учун ҳўжаликларга кўпроқ минерал уғитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети алоҳида қарор қабул қилди. Қарорда Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ҳамда район ижроия комитетларига қисқа муддатда ажратилган минерал уғитлар тақсимотини аниқ белгилаб олиш зарурлиги топширилди. Улар ерларнинг меърият ҳўлати ва бошқа жиҳатларини албатта ҳўсобида олишлари зарур.

Илгичга талаби пахта экиладиган майдонлар учун 25 процент кўп минерал уғит берилади. Тегшилли ташкилотларга ажратилган минерал уғитлар — ҳўсилдорлик витаминини ўз вақтида ташиб олиш ва қамлаб қўйиш, уларни биринчи марта вилт билан зарарланган майдонларга сочиш кўрсатиб ўйлади.

## ХАРИДОРГИРЛИК — СИФАТ БЕЛГИСИ

Кейинги йилларда республикамизда стандартлаш ва метрология ишларини яхшилаш, уларнинг маҳсулот сифатини оширишдаги рўлини кучайтириш соҳасида муайян ютуқларга эришилди. Республикадаги 130 дан ортиқ корхонада маҳсулот сифатини оширишнинг Саратос системаси жорий этилди ва қўлланилмоқда. Халқ ҳўжалигининг туран соҳаларида кўпгина янги хил ўлчов ва синаш воситалари қўлланилмоқда. Улар ҳўзурги замон фан ва техникаси талабларига жавоб бериш билан диққатга сазовордир.

Лекин республикамиздаги бир қатор министрлик ва муассасалар стандартлаш талабларига етарли аҳамият бермаётдилар. 1969 йили текшириб кўрилган 132 хил маҳсулотнинг 18 хилига стандарт белгиламаган. Текшириш вақтида стандарт ва техника шартларига етарли аҳамият берилмагани ҳамда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилгани аниқланган эди. 1970 йилнинг тўқтинчи ойидагина республикамиз корхоналарида стандарт талабларига жавоб бермаган ҳўлда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга 59 рекламация олинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу масалани кўриб чиқди ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган муҳим тадбирлар белгилди. Харидоргирлик — сифат белгиси. Стандартлаш ва техникавий шартлар тўла ҳўсобида олинган ҳўлда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамisha сифатли бўлади. Бунинг учун эса тегшилли министрликлар белгилаб қўйилган тадбирларни астойдил амалга оширишлари зарур.

## ҲИСОБ-КИТОБ ПУХТА БЎЛСИН

Республика Министрлар Совети колхозларнинг 1970 йилги ҳисоботлари ва 1971 йил ишлаб чиқариш-мўлция планларини тузиш масаласини қарор қилди. Беш йилликнинг яқунлоқчи йили натижалари бўйича колхозларнинг ҳўжалик-мўлция фаолиятини яқунлаш — масъулиятни иш, йили йил планларини тузишда ўйланган ва пухта мулоҳаза қилиб кўрилган тадбирлар белгилаш зарур.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, областлар ва район ижроия комитетларига колхозларда ҳисоб-саноот йилликларини ташкилий жиҳатдан пухта тайёрларлик билан юқори савияда ўтказиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги министрлигига ҳамда унинг маҳаллий органларига, республика Марказий статистика бошқармасига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига инвентаризацияни ўз вақтида пухта ўтказиш, колхоз мулкчи ҳисоб-китобини талаблар даражасида уюштириш вазифаси юқлатилди.

Қарорда колхозларнинг ҳисоботларини 1971 йил 25 январгача эшитиш, барча колхозларда ҳисобот-саноот йилликларини 15 февралгача тугатилган белгилаб қўйилди.

В. И. Ленин кенг меҳнаткашлар оmmasини давлатини ва халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини бошқаришга актив жалб қилишнинг социалистик тузумнинг жуда катта афзаллиги, уни ривожлатиш ва унинг битмас-туганмас резерви деб биларди. Шунинг учун ҳам у Коммунистик партия олдига «Омма» бошқаришга ўргатиш» вазифасини янгидай қилиб қўйди.

В. И. Ленин айтган эдики, «...У фақат ҳўзирги замон билими асосидagina коммунизм кура олишини ва агар у шу билимга эга бўлмас экан, коммунизм фақат оруз бўлиб қолиши тушуниб олмаги керак».

(В. И. Ленин, Асарлар, 297. 31-том, бет).

Шундай экан, социалистик тузумнинг ҳар бир асоси ишчиларни жаъинтириш ривожланиш қонуналари ва ишлаб чиқариш экономикасини тўла билимай туриб, ўз аводи, колхозни ва соҳибонини ҳақиқий ҳўжалиги була олмайди. Шунинг учун ҳам КПССнинг XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабри (1969 йил) ва июль (1970 йил) пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумлари қарорларида бу масалага катта эътибор берилган, омма ўртасида иқтисодий билимлар асосларини атрофиялаш пропaгaнда қилиш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасида иқтисодий билимларни пропaгaнда қилиш ҳақида» қабул қилган қарорига яқиндан Тошкент область «Билим» жаъинати иқтисодий билимларини пропaгaнда қилиш, техника прогрессни ютуқлари, инвентарларнинг иш тажрибаларини, рационализатор ва иxtирочиларни таърифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини кучайтириб юборди.

Область «Билим» жаъинатининг ақида бўлиб ўтган пленумида жаъинатнинг бу соҳаларда амалга ошириш ишлари кўриб чиқилди ва иқтисодий билимларини пропaгaнда қилиш тўғрисида конкрет амалий тадбирлар белгиланди.

Республикамизда магистрал газ қуурлари ва газ тақсимлаш тармоқлари бўёб этилган районлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Меҳнаткашлар хонадонини табиий газ билан таъминлаш, уларнинг оғирини енги қилиш республикага газ саноати ходимларининг диққат-эътиборида турибди.

Ҳўзирги вақтда Қўқон — Наманган магистрал газ қуури қурилиши тугалланмоқда. Янги орада Поп, Чуст ва Наманган районларининг аҳолиси табиий

# ФАРҒОНА ГАЗ ҚУВУРИ

МОСКВА («СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ШТАТСИЗ МУХБИРИДАН).

газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Аmmo, ҳали бу борада муҳим вазифалар турибди. Наманган ва Андижон областларининг бир қатор районларига ҳали ҳам газ қуурлари етиб келгани йўқ. Шунинг учун ҳам СССР Газ саноати министрлигида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг гаълаштириш Бюро бошқармаси ходимлари иштирокida 1971 йилда Наманган — Андижон газ қуури қурилишини бошлаш масаласи кўриб чиқилди. Бу газ қуурининг республика халқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти катта бўлади. Объектнинг қурилиши Избоскан, Ба-

лиқчи сингари районларни тўла гаълаштириш имконини беради. Бу эса мажбур районларнинг қишлоқ ҳўжалигини янада юксалтиради, шу билан бирга Бухоро ва Қирғизистоннинг ўш области саноат корхоналари ва меҳнаткашлари эҳтиёжи учун ҳам етказиб берилади.


Шуниси қувончлики, янги Наманган — Андижон газ қуури ишга тушгач, Фарғона vodiёсида узлуksиз газ қуурлари системаси вужудга келади. Vodiёдаги барча газ истеъмолчилари қиши-ёзи тўтовсиз арзон ёқилги билан таъминланадилар.

Наманган — Андижон газ қуури 90 километрга ақин масофага чўзилади. Уни келгуси йили ишга тушириш учун ҳўзирдаёқ барча тадбирлар қурилмоқда.

Р. РАҲИМОВ.



Суратларда (юқоридан — пастга): Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва иссига чдамли металллар комбинатининг пешқадми ишчиси Нели Захарина янги йилнинг дастлабки кунлариданроқ иновация ютуқларини кўйга киритмоқда. Эргаш Исмоилов — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг усимликлар хирисини институтини илмий ходими. Бултур химия фанлари кандидати деган илмий даражани олишга муvccар бўлган ёш олим ўз устида яна дун билан ишлamoқда.



# ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

ЎЗБЕКISTON ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА

Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея — фирмасининг ишчи ҳеч қайси коллектив билан таққослаб бўламайди Чунки, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги системасида бунақа корхона ягона. Фирма бир қанча йилларда буён муттасил илгариллаб борапти, ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўймоқда. Шунинг учун ҳам 1967 йилдаёқ корхона планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасида ишлашга кўчирилди.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг хили кўп: ўров ленталари, пойфазал боғичлари, хотин-қизлар кўйлаклари ва бошқа кийим-кечакларда қўлланиладиган боғичлар. 1962 йилда фирма ҳўзурда янги цех фойдаланишга топширилди. Бу ерда безакли ва газ талаби дурра ҳамда рўмоллар, қарпор, шойи кийим-кечаклар тайёрлаб чиқаришмоқда. Янги цех маҳсулотлари харидорларда катта кизиқиш уюлди. Безакли буюмлар корхона олдидан фойдаланиш асосий қисмини бермоқда. Уш йилда ноқ корхона фирма деб номлана бошлади.

Йиллар йилларни қувалаб ўтмоқда. Тўрт йилдирки, бу коллектив ҳўжалигини бошқаришнинг янги шартларида ишлайпти. Янги система корхона фаолиятини янги истиқболлар очиб берганини таъкидлаб ўтин керак. Рақамлар жилвасига қаранг. Лоқал маҳсулот реализацияси яхшиланганидан келатган фойда ҳақида мулоҳаза юриятлик. 1966 йил 11 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинган эди. 1970 йилда сотилган маҳсулот 15 миллион 360 минг сўмни ташкил қилди. Фойда ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. 1966 йили «Учқун» фирмаси 3 миллион сўм соф фойда кўрган эди. Утган йили кўрилган фойда эса 4 миллион сўмдан анча ортиқ бўлди.

— Бу ютуқларнинг сирини нимада? — Фирма директори Гулнора Пуллошевaга шундай савол билан мурожаат қилдик.

— Муваффақиятларимизнинг сирини йўқ. Меҳнат унумдорли-

гини оширишга астойдил қаратилди, — деди директор ва мисоллар келтирди.

Агар 1965 йили ҳар бир ишчи ҳисобига тайёрланган маҳсулот 9 минг 100 сўмга тўғри келган бўлса, утган йили ана шу рақам 16 минг сўмдан анча ортиқ бўлди. Ислохот анчагина пулни рағбатлантириш фондига ажратиш имконини берди. 1967 йилдан бошлаб фирма илгорлари йил охиридаги якунларга қараб мукофот тарқасида ўн учинчи маоши олишарти.

Шунақа гаплар. Бироқ, фирмага фойдаланилмаётган резервлар ҳам бор. Бу ўринда дастлаб 35 процент иш қўлда банкарлашганлигини таъкидламоқчимиз. Сермеҳнат ишчиларининг меҳнатназижани, бир қатор участкаларда ишни автоматлаш зиммасига юқлиш ҳақида ўйлаш лoзим. Маҳсулот сифатини ошириб бориш ҳам муҳим вазифалардан. Фақат утган йилнинг ўзидагина фирма «рекламациялар бўйича бир неча минг сўм зарямат тўлади. Меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш масаласида ҳам мақтагудек иш қилинган йўқ.

Булар корхона ўз кучи билан бартараф қилиши мумкин бўлган камчиликлар. Лекин шундай масалалар ҳам борки, буни фирма Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ёрдамисиз ҳал қилолмайди. Моддий-техника таъминоти масаласи шундай масалалардан бири ҳисобланади. Корхонани моддий-техника жиҳатдан таъмин қилиш кўп вақтин олади. Бу масала билан директор, бош инженер ва таъминотчи ходимлар шугулланишарти. Корхонани хом ашё ва материал билан таъминлаш учун «қаҳрамонона» кураш олиб бориш талаб қилинади. Лекин бу ҳууседа министрлик кўрсатаётган ёрдам озлик қилади.

Корхонанинг бу йил яхши ишлаши учун 2 миллион метр газлама зарур. Москвада ташкил қилинган армаркадан керак миқдорда газлама олиб бўлмайди. Энди иш қалай бўларкин? Бу ҳақда министрликданлардан ҳеч ким қатъий бир фикр айтмайпти. Вақт эса тўб

кормоқда.

Штатлар масаласида ҳам корхона раҳбарларининг кўнгли тўқ эмас. Тўғри, ишчилар таъқислиги кўпгина корхоналарга хоc. Бироқ, бу фирма ана шу масалада ўз кучи билан ҳеч нарса қилолмайпти. Ердани қардан олиш керак? Янги йил плани эса утган йилгидан 600 минг сўм кўпроқ. Бунинг ўстига яраша ташвишлар бор.

— Биз бундай плани бажаришга қодир эмасмиз, — деди ўртоқ Пуллошевa. — Лекин министрликда плани камайтириш ҳақидаги гапларимизни эшитишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ.

Тўғри, план корхонанинг қобилиятига яраша белгилашни керак. Шундай бўлгач, ишчи кучи билан фирмага ёрдам беришга ҳам тўғри келади. Янги корпус қурилишида ҳам иш қатоқ. Қурилиш чўзилиб кетмоқда. Цехлар илгартиг техникасининг синфхоналарига жойлашган. Бу ишлаб чиқариш технологиясига мутлақо тўғри келмайди. Янги корпус қурилишини тезлаштиришга корхонанинг ўзи гаҳмўрлик қилиши дейилмайди, бу бориб турган расмиётчилик бўлур эди. Ҳўллас, фирма министрликнинг астойдил ёрдамига муҳтож. План оширилганидан бўлгандан кейин шартин ҳам яратиб даркор. Ҳалиги синфхоналарда ошoк линиялар, автоматлар ва ускуналарни жойлаштириш ҳақида гапириб қулиги бўлар эди. Бунинг учун ҳақиқий ишлаб чиқариш корпуслари қуриш керак. Шундангина, мураккаб техника ва технология ҳақида гап оқиш мумкин. Бироқ корхона юқори ташиқлотлар ёрдамига муҳтож экани шундоқ ҳам кўриноб турибди.

Илгари директор моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан касабасоз комитети билан бамаслашқ маъруза миқдорда мукофотлар бериш ҳуқуқига эга эди. Эндикида негадир директорнинг бу ҳуқуқни чеклаб қўйилди ва мукофотлаш масаласи министрликнинг жуда катта назорати остига олинди.

Корхона харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариши кераклигини ҳамма тан олади. Айниқса, янги системалда ишлайтган «Учқун» корхонасининг дaғал рўмол сингари ўзини қийин бўлган маҳсулот ишлаб чиқариши яхши эмас. Министрлик бу масалада ҳам корхонага тегинишга ёрдам бериши зарур.

1970 йил фирма учун тарих бўлиб қолди. Корхона йилнинг яхши йуқувида. Кўрсаткичлари ҳам дурсоқ. Янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунақа ютуқ ва камчиликлар бошқа корхоналарда ҳам бор. Лекин ишлаб чиқариш йида тақомиллаштириш резервлари ҳам оз эмас. Гап резервлардан илгир кўзилиб фойдаланишда, ютуқлар соясидagi камчиликларни ишчилар билан бартараф этишда қолган.

А. БАҲРИЕВ.

# ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР — ОММАГА

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

«В. И. Ленин социалистик ва коммунистик қурилиш лаврида экономиканинг ҳал қилувчи ролни ҳақиқатда, «Халқ ҳўжалигини бошқариш принциплари». «В. И. Ленин социалистик меҳнат илтифати ҳақида», шунингдек илги иқтисодий сивас билан боғлиқ бўлган темалар: «Иш вақтидан унумли фойдаланишда НОТ — халқ йилуви йўли», «Хўжалик ҳисобини ва самардорлигини», «Минутларни надранг», деган темаларда ўйланган лекция ва сўхбатлар шунлар жумласидандир. Қишлоқ ҳўжалиги эканлигининг қосилдорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида ҳам бир неча мазмунли лекция ва сўхбатлар ўқилди. Илгор таъриблар оммалаштирилди. Бу эса меҳнаткашларнинг иқтисодий билим асосларини қар томонлама эгаллашга ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилишга яхши ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1970) Пленуми қарорларини ҳаётага таътиб қилишда ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Область бўйича таъриблар лектор-олимлардан 68 киши таланиб, жойларга сафарбар қилинди. Улар колхоз ва совхозларда, саноат корхоналарида партия иқтисодий сиваси масалаларига доир кўпгина лекция ва сўхбатлар ўнoб. тегинли ёрдам кўрсатишди. Ёш лекторларга амалий ёрдам берилди. Лектор-пропагандистларимиз колхоз ва совхозларда, саноат корхоналарида бўлганлариде уш ҳўжалик ёни корхона иқтисодий томондан чўйур ўрганиб, аниқлаб қилиб колхоз-совхозларнинг экономикасини, завод ва фабрика-

ларнинг ишлаб чиқариш ривонизини кўришни лаврида резервларнинг қандай қилиб жорий этишлари ҳақида йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Колхоз ва совхозларда, саноат корхоналарида тошкентлик олим ва мутахассисларнинг ишлаб чиқариш новаторлари билан «юмалоқ стол» атрофида ўтказилган сўхбатлари иқтисодий билимларни пропaгaнда қилишнинг муҳим формаси бўлиб хизмат қилмоқда. Виз «юмалоқ стол» атрофида ўтказилган сўхбатларнинг йида мазмунли ва самарали бўлишини таъминлашарти. Янгида Катлин районидagi «Ленин йўли» колхозида ҳамда Чирчиқ электростанцияси, комбинатида ана шундай мазмунли сўхбатлар ўтказилди. «Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасизга бағишланган бу қизғин учрашувда халқ ҳўжалиги институтини экономика кафедрасининг ўқитувчилари, фан кандидатлари Р. Дўсмов, Р. Рақовқовлар «Миллий даромад ва унинг бўлиниши», «Саноатда техника прогресс» деган темалар бўйича доқлад қилишди. «Юмалоқ стол»да бўлган бу учрашувлар чек мастерлари, инженер-техниклардан 300 та янги киши иштирок этишди. Колхоз ва совхозларда ҳам ана шундай учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилди.

«Экономика билимларини пропaгaнда қилишнинг яна бир оммавий формаси — «Лектор ҳафталиги»дир. Виз белгилашган план асосида олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорлигини кучайтириб, бундай ҳафталиқларини тез-тез ўтказиш зарур.

«Олимлар ҳафталиги» программасида революция, партия, меҳнат ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлар, илмий-техника конференциялари мўлғазам ўтказиларти.

Корхоналар ва ҳўжаликларнинг конкрет вазифаларини ҳисобга олган ҳўлда меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш билан бирга, ташиқлий-ҳўжалик ишларини йўлга қўйиш ва уларнинг меҳнат малакасини ҳамда илмий-техника билимларини ошириш зарур. Бу муҳим вазифани бажариш учун халқ университетлари, иқтисодий билим мактаблари, дoимий ҳаракатдаги семинар, илгор таъриб мактабларининг ишчи ҳар томонлама илгорлантириш керак. Бу муҳим ишда партия масрфчи шохобчаларига ҳам тегинли ёрдам кўрсатилади.

Область «Билим» жаъинатининг Чирчиқ шаҳар бўлими иқтисодий билимлар ва илгор таърибларини пропaгaнда қилишда биринчи ахши таърибга бўлади. Шаҳар билим жаъинатининг бир гурупа аъзолари «Ўзбекистон» заводига корхона партия ва насоба союзи комитетлари билан биргаликда «Заводда меҳнатини илмий асосда ташиқ қилиш» деган темада илмий конференция ўтказишди. Конференцияда «Билим» иам и я тининг аъсоси завод директори Г. Каравaев, меҳнатини илмий асосда ташиқ қилиш бўлимининг бошлиғи А. Каравaев, бош пайвандчи В. Сулей, бош металлурги С. Бабиқ, пу. никтед, цех, бригада бошқилари, новаторлар меҳнатини илмий асосда

область ҳўжаликлариде жуда кўп-лаб иқтисодий маътаблар ишлаб турибди. Урта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхозида ташкил қилинган конкрет экономика тўғрисидаги ишчи аниқсиз диққатга сазовордир. Бу тўғрисида маҳсулотлар колхоз ишлаб чиқариши ва илгор таъриблар билан боғлаб ўтказиларти. Бекобод металлургия комбинатида ташкил қилинган 16 та иқтисодий мактабда ҳам юзлаб илгирчи билим олмақда. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

Иқтисодий мактаблардан ташқари, областда юздан ортиқ коммунистик меҳнат мактаби ҳам мавжуд. Уларда 4000 га яқин тингловчи шугулланмоқда. Областимизда юқори малакали иқтисодий кадрлар, инженерлар, олимлар, агроном ва рационализаторлар кўпчилигини ташкил қиларти. Уларнинг сифатини янги кадрлар билан тўлдирини, лектор-пропагандистларнинг сивасий-назарий билимларини янада ошириш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш диққат марказимизда.

Областимиз меҳнатнашлари КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ҳамма соҳа бўйича беш йиллик план топширишларини ошириб бажардилар. Бунда, албатта, «Билим» жаъинати аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ленин шунини ҳам айтиш керакин, бундай муваффақиятлар билан бирга, қали левия пропaгaндаси Усиб нелаетган талаблар даражасида эмас. Область «Билим» жаъинати пленумида кўрсатиб ўтилганидек, илгирчида бир қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

Омм» ўртасида иқтисодий билимлар пропaгaндаси уфқларини янада кенгайтириш. Коммунистик партия голларини меҳнаткашларга етказиш «Билим» жаъинати аъзоларининг муваддас бурчи бўлиб қолади.

Эркин ЮСУПОВ,  
Тошкент область «Билим» жаъинати правленесини президиумининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор.



# Чет элларда

ЯНГИЛИКЛАР  
ХАБАРЛАР  
ВОҚЕАЛАР

## ШАРМАНДАЛИ СУД

НЬЮ-ЙОРК. 6 январь. ТАСС мухбири Э. Баскаков хабар беради:

Неча Сан-Рафелда Анжела Дэвис «ини» дастлабки эшитиб бошланди. У негрларнинг гражданилик ҳуқуқлари учун курашувчиларининг одабига кўра муштани банд қўтариб, одамлар билан лўқ тўлган суд залига кирди.

Калифорния полицияси Идирма туманида Анжела Дэвисни «одам ўлдирди» деб айбонлади. Аммо америкалик бу мард коммунист аёл сохта айбон қилишга рад қилиб, Калифорния реакцияси томонидан қилинган сиёсий фитнанинг қурбон бўлди, деди.


Судда айбланувчини ҳимм қилаётган беш адвокатнинг энг каттаси бўлган А. Броцкий ҳам А. Дэвисга тўқналов айбларининг асосиз эканлигини айтиб, уни гаров эвазига дарҳол бўшатилиши ва сўғра бу «ини» далиллар мутлақо етishмаганлигини сабабли тўхтатиш масаласини суд олдига қўйди.

Судда раислик қилувчи Калифорния штатининг олий судьяси Ж. Уилсон ҳиммочининг айтган гапларига қарши ҳеч қандай далил келтирilmay, адвокатнинг бу саволига 22 февралдан кейинги янги Анжела Дэвис «ини» юзасидан набаддаги суд мажлиси қачон ўтказилиши таянчангандан кейин жавоб берилганга ваъда қилиш билан чекланди.

Сан-Рафелдаги кенгаши мажлиси жамоатчилигини очиндан-очин қўриқтириш ва

Суратда: Жанубий Вьетнамни озод қилиш Халқ қуролини кучларининг қаҳрамони — офицер Та Ван Тхюу. У командирлик қилаётган бўлиб маъруза берган жондорларнинг қатнашиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. ВИА—ТАСС фотоси.

ПОЛЬША. Глогув қишлоғидаги Жуковича деган жойда «Глогув» мис эритиш комбинати тикланяпти. Комбинатнинг асосий ишлаб чиқарувчи цехлари технология қисмининг лойиҳасини Совет Иттифоқи рангли металлургия давлат лойиҳа бюроси ишлаган. Бу корхона ишга туширилгач, Халқ Полшаси мис билан унинг таъминлабгина қолмай, уни экспортга ҳам чиқаради. Суратда: «Глогув» комбинати курилишида.



## САЙЛОВ ОЛДИДАН

ДЕХЛИ. (ТАСС). Хиндустон Коммунистик партияси Викарад шаҳрида (Андхра Президент штати) оммавий митинг ўтказиш билан сайлов олди кампаниясини бошлади. Хиндустон Коммунистик партияси олди кампаниясини демократия ва социал тартиқ учун кураш, ширларни остида олиб боради.



## МЕХНАТ ВА КАПИТАЛ Италия

РИМ. Янги йилнинг дастлабки кунларида Италиянинг ҳамма қисмида синдий жанглари яна қизиб кетди. Ана шу синдий жангларда миллионларча меҳнаткашлар қатнашмоқдалар. 5 январга ўтар кечаси мамлакат савдо флоти матросларининг умумий забастовкаси бошланди. Матрослар янги меҳнат шартномасини тузиш учун курашмоқдалар.

Рим темир йўли узели ходимларидан 2500 киши маъмуриятнинг бир қанча иқтисодий талабига ва касба соҳа талабларини қандиришдан бунинг товланганлигига қарши норозилик билдириб 24 соатлик забастовка ўтказди.

5 январда Италия пойтахтида ўз хараكتери жиҳатдан мисли кўрилмаган забастовка бошланди: кўча транспортининг тартибга солувчилар ишга чиқмади. Улар шаҳар маъмуриятдан иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шартномасини яхшилашни талаб қилмоқдалар.

Шу кунларда Тиволи, Генуя, Авеллинода ва мизилантингда бошқа бир қанча шаҳарларда меҳнаткашларнинг забастовкалари давом этмоқда.

## Франция

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси хабар беради: Франциядаги «Эр-Франс», «Эр-Интер» ва ЮТА авиокомпанияларининг учувчилари савтаси икки кунлик забастовка ўтказмоқда. Ана шу авиокомпанияларнинг учувчилари, штурманлари, механиклар ва бор радиостари меҳнат шартномасининг кайтадан кўриб чиқилиши, меҳнат шартномасини яхшилаши ва иш ҳақининг оширилиши учун курашмоқдалар.

Ана шу компанияларга қарашли самолётларнинг бирортаси ҳам икки кундан бунён Париждаги Орли ва Бурже аэродромларидан парвоз қилмаётди.

## АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. Писсбург (Пенсильвания штати) ўқитувчиларидан икки мингга яқин киши иш ташлади. Ўқитувчилар шаҳар маъмуриятнинг янги коллектив шартномасида маориф ходимларининг меҳнат шартининг яхшилаш чораларини қайтадан кўриб чиқишдан бунинг товланганлигига қарши норозилик билдиришмоқдалар.

Ўқитувчилар федерацияси раҳбарлари билан Писсбург шаҳар мақтаб кенгаши вакиллари ўртасидаги савтаси меҳнат шартининг яхшилаш чораларини қайтадан кўриб чиқишдан бунинг товланганлигига қарши норозилик билдиришмоқдалар.

## С. ҚУРБОНОВ, тарих фанлари кандидати, доцент.

С. ҚУРБОНОВ, тарих фанлари кандидати, доцент.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ БИЛДИРИШНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ 1942 ЙИЛ 30 АПРЕЛДА «АХОЛИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИ ТЎЎГИСИДА» ДЕКРЕТГА АСОСАН ФАРМОННИНГ 30 МОДДАСИГА МУВОФИҚ РЕСПУБЛИКАНИНГ МОЛИЯ ОРГАНЛАРИ 1971 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ВА ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИДА, ХАММА ШАҲАРЛАРДА ВА ШАҲАР ТИПИДАГИ ЖОЯЛАРДА

### СОЛИҚЛАР ТИСОБИНИ ОЛАДИЛАР

1970 йилда хўнарамданларнинг даромадлари, аҳолига турли хизмат кўрсатишдан, иморат, квартира, хона ва ҳоназорларни ижарага қўйиш ва бошқалардан келган даромадлар тўғрисида граждандар шу даромадлар юзасидан район (шаҳар) молия бўлиmlарига

### 1971 йил 15 январдан кечикмай билдиришлари лозим

Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳар ойнинг 15 числасигача кечиктирмай граждандар томонидан оғтазиб берилган буюмлар, қилинган ишлар (шахсий материаллардан фойдаланилган бўлса), кўрсатилган хизмат ва шу кабилар учун граждандарга тўланадиган пулга ахборот 3-форма бўйича район (шаҳар) молия бўлиmlига маълум қилишлари, шартнома билан улар томонидан ижарага берилган бинолар учун граждандар томонидан тўланиши керак бўлган сўма ҳақидаги ахборот еса шартнома тузилганидан сўнг 15 кунлик муҳлатда район (шаҳар) молия бўлиmlига маълум қилинади.

Корхоналар корхона учун ўз уйларида ишлатган граждандарнинг 1970 йилдаги иш ҳақлари тўғрисида 1971 йил 10 январдан кечикмай район (шаҳар) молия бўлиmlарига 4 форма бўйича маълум тақдим қилишга мажбурдирлар. Кооператив, корхона, муассаса ва ташкилотлар СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 10 апрелда «Маҳаллий солиқ ва йиғимлар тўғрисида» чиқарган фармонининг 12-моддасига мувофиқ иморат солиғи ва ер рентаси ҳақида бўлган ҳисоб-китобни район (шаҳар) молия бўлиmlарига

### 1971 йил 1 февралгача тақдим қилишлари лозим

4. 17. 18 моддада кўрсатилган фармонга мувофиқ шахсий уйлари бўлган граждандар маҳаллий солиқларини белгиланган муддатларда тўлашлари (20 март, 20 апрель, 20 майда).

### ҚАРАМОҒИДА УЧДАН ОРТИҚ ИШИ БУЛГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРДАН УЛАРНИНГ АСОСИЙ ИШ ЖОЯЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИ 30 ПРОЦЕНТ КАМАЙТИРИЛАДИ.

Қўрсатилган имтиёзлар ўзи бошқармалари ва меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети ижроия комитети томонидан берилган справкани асосида амалга оширилади. Справка ҳар йили тоширилади ва бо тоширилган кундан бошлаб кўчаги биради. Ишчи ва хизматчилар қарамсиздаги кишилар соғи тўғрисидаги ҳужжатни январь ойининг биринчи йрми моши берилганидан кўнчага, агар ишчи янги кирган бўлса ёки қарамсиздаги кишилар соғи моши тўланадиган кўнчага қўйилган бўлса, шу кундан бошлаб 20 кунлик муддатда тоширишлари.

Қарамсизда учдан ортиқ киши бўлган эр-отини ёлланма ишда бўлса, имтиёз уларнинг ўзaro келишишига қараб беради.

СССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 8 сентябрдаги Фармонига мувофиқ ўз шахсий мулкларини ҳисобланган уйларида яшаётган Совет Иттифоқи Раҳматонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва 1, 2, 3 даражали Шўхрат медаллари билан мукофотланганларга қўриқтириш ва ер рентаси наоғтаги ёки қишлоқ хўжалик наоғталарини белгиланган миқдордан 50 процент кам тўлаш ҳуқуқи берилади.

### Ер рентаси қурилишидан қуйидагилар озод қилинади

қурилишлар ҳарбий хизматчиларнинг оидий ва кичик раҳбар составига ва уларнинг оила аъзоларига тегишли бўлса: пенсия, иморат ва тормордаги ёрдамчи қишлоқ хўжалигининг ташқари даромад бўлмаган пенсиякорлар ва уларнинг оила аъзолари. Башарти, пенсиякорнинг ўзи шу иморатда яшаса ва уи бенаси, ҳамда ўқувчи болалардан бошқа меҳнатга қобилияти оила аъзолари ишмайдиغان бўлса.

Шу муносабат билан кўрсатилган енгиланганга ҳақли бўлган граждандар соғи ҳисобга олинаётган даврда молия органларига тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари лозим. Шаҳарларда ва шаҳар тилқидан тўғрида яшовчи автобиллар, мотоцикл ва найлбарга эга бўлган шахслар тегишли йилнинг меҳнаткашлар депутатлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари томонидан 1971 йил учун белгиланган муддатларда Соғи муассасаларига тўлашлари лозим. Давлат автотранспорти бани муассасасининг шу йилнинг тўлаганига ҳақидаги китанцияси тақдим қилинганда кейинги транспортларини техник қўриқдан ўтказиш ва рўйхатга олади.

3 ва 4-форма бўйича берилган маълумот бўлиниши, декларация (ариза) иморат солиғи ва ер рентаси бўйича берилган ҳисоб балинлари район (шаҳар) молия бўлиmlаридан олинади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ

**ТЕАТР-ДЕННЕ БУГУН**

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

10.55 — Тошкент. 11.00 — Болалар учун эшиттириш. Ўзбек тилида: 11.45 — «Мен — ёш пахтакор», 11.15 — «Телепантеон», 13.00 — Мосма: 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — «Жасур кишилар» (бадий фильм), 14.50 — Концерт, 15.20 — Янгиликлар, 16.25 — Тошкент. 18.30 — 8-мирлар учун эшиттириш, 19.10 — «АХБОРОТ», 19.25 — «ПРОПАГАНДИСТ», Ўзбек тилида, 20.00 — «АХБОРОТ», 20.15 — «Ер ва одамлар», 21.05 — Қўнғин ёзуви шоирлар, 21.50 — Бадий фильм.

**КИНО**

Мен, Францис Скорино — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кунда ва кечқурун), Вегунолар — САНЪАТ САРОНИ «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «МОСВА» (кунда ва кечқурун), Том Соверинг саргузаштлари Хинду Диннинг ўлими — «ДРУДБА» (кунда ва кечқурун), Яўлбарз ниядан — «ЎЗКЧА», (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ва кеч 7, 9 да), Динқат тошбақа! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, 11 йилда), Тоғ қироли ва бошқалар — САНЪАТ САРОНИ (эрталаб соат 11 да), Сангам (3 серия) — НАВОНИ номли (Ўзбек тилида, кундуз соат 12.30 ва 4.20 минутда).

**ТЕАТР**

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

## ГАЗЕТХОНЛАР ИТТИМОСИГА КЎРА

Исроил амбидилари ва халқаро империализмининг айби билан ҳанузгача бар-тароф этилмаган Янги Шарқдаги тағлиқ ва унинг асосий сабабларидан бири бўлган Фаластин проблемаси жамоатчилигининг диққат марказида турбди.

## АРАБЛАРНИНГ АДОЛАТЛИ КУРАШИ

пропаганда қилинди. Сионистларнинг ташвиқотида берилган Европа ва Америка яхшиликларига Фаластинга кўчиб кела бошладилар. Биринчи жаҳон уруши йилларида Фаластинда яшовчи яхшиликларнинг умумий соғи 50 минг нафардан ҳам намор бўлса, иккинчи жаҳон уруши арафасида 460 минг кишидан ошди.

Фаластин араблари ва яхшилик ўртасида келиб чиққан низоининг бош айбондари империализмдир. Араблар ва яхшиликлар Фаластинда ҳам, Янги Шарқдаги бошқа давлатларда ҳам ерлар давомида тиқ-тотув яшаб, ҳамкорлик қилиб келдилар. Империалистик жаҳонларда араблар ва яхшиликларнинг бир-бири билан тик-тиқламоқда.

Фаластиндаги бугунги тағлиқ аҳвол, унинг халқлари бошига тушган оғир кулфат «ажратиб қўйиб, ҳукмронлик қил» деган маълум империалистик сиёсатини амалга ошириш натижасидир. Худди шу сабабларга кўра, Фаластин масаласи энг йирик халқаро проблемалардан бири.

1947 йилдан бошлаб Фаластин масаласи билан «БМТ» ва турли халқаро комиссиялар шугулланиб келмоқдалар. Ҳозирда улар Фаластин проблемасини ҳал этишнинг икки йўли — иккинчи лойиҳасини тузиш эдилар. Биринчи лойиҳага кўра, Ягона араб-яхшилик давлатини тузиш, иккинчиси бўйича Фаластиннинг икки мустақил — араб ва яхшилик давлатларига бўлиб юбориш кўзда тутилган эди.

Совет Иттифоқи халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, араб ва яхшиликларнинг ягона Фаластин давлатини тузиш тарафдор эди. Лекин кейинчалик бу лойиҳани амалга ошириш учун шарт-шароит йўқлигини ҳисобга олиб, у БМТ Бош Ассамблеясининг Фаластинда икки миллий давлат барпо

этиш тўғрисидаги 1947 йил 29 ноябрда қабул қилган резолюциясига қўшилди. Маъмур қарорга биноан Фаластин территориясининг 56 проценти Яхшилик давлатига, қолгани Араб давлатига бўлиб берилди. Фаластинда яшаётган 1 миллион 327 минг араблар ва 608 минг нафар яхшиликлардан ташқари ярим миллион яхшилик ва шунча араб Яхшилик давлатига ўтиши лозим эди. Муусулмон, буддизм ва христин динларининг муқаддас жойлари бўлган Куддус халқаро статусга эга бўлган маъмурий мустақил шаҳар деб эълон қилинди.

Аммо сионистлар ва уларнинг ҳомийлари БМТнинг қарорларини поймол қилдилар. 1948 йил 15 майда Бен-Гурон Исроил давлати тузилганини эълон қилди. Лекин араб давлати тузилмай қолди. Исроил ҳукмрон доиралари Фаластиндан араб халқларини сиқиб чиқариш сиёсатини амалга ошира бошладилар. 1948—1949 йиллардаги биринчи Исроил—араб урушида (бу урушда Миср, Сурия, Ливан ва Иордания Фаластин араблари томонидан курашдилар) сионистлар Фаластиннинг тўртдан уч қисмини ўз ҳукмронлиқларини ўрнатдилар. Қўшни мамлакатларга кўчиб ўтишга мажбур бўлган 1 миллионга яқин араб аҳолисининг 350 қишлоқлари, 75 миңдан кўпроқ уй-жойлари, ҳосилдор ерлар ва бор-роғлар боқинчилар қўлга ўтди. Шу тарада Фаластин қочқарли проблемаси пайдо бўлди.

Сионистларнинг боқинчилик сиёсати натижасида ватандан ҳайдалган Фаластин арабларининг соғи Илдан-Йилга кўнаиб бориб, БМТнинг маълумотларига қараганда, 1957 йил 31 майда 1344576 кишига етди. Англия, Франция ва Исроилнинг 1956 йилги Мисрга қарши агрессияси барча араб халқларига қарши қилинган районларда душ-

маннинг бебошлигига жавобан тариқ Фаластин қаршилик кўрсатиш ташкилотлари ва партизан отрядлари ўз кучларини бирлаштиришга киришдилар. Ватанпарвар Фаластин озолиқ ташкилоти ва унинг Марказий Комитети ҳамда Фаластин миллий советининг раҳбарлигида окупация қилинган районларда ва Сурия, Ливан ҳамда Иордания территориядан туриб, душманга сезиларли зарбалар бера бошладилар. Фаластин арабларининг окупацияга қарши ўзининг ҳуқуқларни уруш олиб бораётган курашини, кенг меҳнаткашлар оmmasининг талабларини ақс эттириш умумийлиги ҳаракатга айланди.

Фаластин қаршилик кўрсатиш ташкилотларининг ўзaro ҳамда қўшни араб давлатлари билан ҳамкорлиги ҳали мустақиллик бирликга айланган бўлмасда, душман уни бузиш, араблар ўртасида низо келтириб чиқариш тактикасини қўлламоқда. Масалан бултур кўзда Иорданияда бўлиб ўтган қонли воқеаларнинг сабабларидан бири сионистлар ва империалистларнинг қўриқтириш тўғрисидаги эълонлар.